

Савол: Ассалому алайкум ва Рахматуллахи ва баракотух, хурматли шайх хазратлари. Сиздан Аллох рози бўлсин, бир саволим бор эди. Савол: Нима учун тиловат охирида СУБХАНА РОББИКА РОББИЛ ИЗЗАТИ АММА ЯСИФУН. Оятлари ўқилади. Жавобингиз учун олдиндан раҳмат. Саволда хатолар бўлса, узр.

Жавоб: Булар «Соффаат» сурасининг охиридаги уч оятдир. Маъноси куйидагича: «Сенинг Роббинг, иззат Робби улар қилган васфдан покдир. Ва юборилган расулларга салом бўлсин! Оламларнинг Робби Аллохга ҳамд бўлсин!»

Фазли куйидагича:

«Имом Ибн Абу Хотим аш-Шаълабийдан қилган ривоятда Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам): «Амали тўлик ўлчов ила ўлчаниши қимни хурсанд қилса, мажлисининг охирида, туришдан олдин: «Субхана Роббика Роббил ғиззати ғамма йасифун. Ва саламун ғалал мурсалийн, вал-хамду лиллахи Роббил ғаламийн»ни ўқисин», деганлар.